2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

29 (579)

2007 йил 18 июль

Чоршанба

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг республика нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2 ▶ «Кундала» ёрдамида соғлом ҳаётга қайтинг!
▶ Дўконлар кўп, дастурхон тўкин...

3 ▶ Сургун қилинган Эшони Судур...
▶ «Бахт»ни деб, нақдидан айрилган қиз

4 ▶ Бу феруза кошинлар — кўп тарихга шоҳидлар...
▶ Ирвадон, ҳамиша мусаффо бўл!

сахифада

"МУСТАҚИЛЛИК, ЭКОЛОГИЯ ВА ХАЛҚ САЛОМАТЛИГИ"

"Экосан" халқаро ташкилоти, Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси, Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан юртимиз мустақиллигининг 16 йиллигига бағишлаб "Мустақиллик, экология ва халқ саломатлиги" шиори остида экофестиваллар марафонини ўтказишни режалаштирган.

Яқинда "Экосан" халқаро ташкилотида ушбу марафонга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

— Мустақиллик йилларида экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳолининг турмуш даражасини ҳамда оналар ва болалар саломатлигини яхшилаш борасида ижобий натижаларга эришдик. Тўғри, бу билан экотизимда ҳеч қандай муаммо ва камчиликлар йўқ, дея олмаймиз. Аммо эришилаётган ютуқларни халққа, кенг жамоатчиликка намойиш қилишимиз лозим, — дейди "Экосан" халқаро ташкилотининг раиси Юсуфжон Шодиметов.

Экофестивал жорий йилнинг 20 июлида Андижон шаҳрида бошланиб, республикамизнинг барча вилоятларида ўтказилади. Уни ташкил қилишда қатор вазирлик ва идоралар, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари, туристик фирмалар яқиндан ёрдам беради. Шунингдек, фестивал давомида табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, саноат, энергетика ва аграр соҳада экологик тоза технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш борасида эришилган ютуқларни намойиш этувчи кўргазмалар ҳам ташкил этилади.

МУХБИРИМИЗ

Mahalla

— Яна нима дейсиз?

— Ғаллакорларимиз ғайрати билан омборимиз донга тўлибди.

Истиқлолимизнинг 16 йиллиги олдидан

УЛУҒ НЕЪМАТ ҚАДРИ



Президентимиз Ислом Каримовнинг мамлакатимиз ғаллакорларига табригида уларнинг фидокорона меҳнатига юксак баҳо берилди.

Халқимиз азалдан нонни эъзозлаб келган. Дастурхонимиз кўрки, баракаси асосан деҳқон сочган дон туфайлидир. Шу боис Юртбошимиз истиқлолимиз аввалида ғалла мустақиллигига эришмасдан туриб иқтисодий мустақилликка эришиб бўлмаслигини алоҳида таъкидлаган эди. Соҳадаги ислоҳотлар жараёнида ерни чинакам эгасига беришга, деҳқонда меҳнати самарасига ишонч туғдиришга, турмушини янада тўкинроқ қилишга эришилди. Шунингдек, қишлоқ хўжалик корхоналарини қайтадан ташкил этиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш, четдан маҳсулот келтиришни камайтириш чоралари кўрилди.

Натижада фермерлик ҳаракати шакллана бошлади. Бундай хўжаликларнинг ривожланишини рағбатлантириш учун ҳуқуқий ва ташкилий шарт-шароитлар яратилди. Истиқлолнинг дастлабки йилларида юртимизда 5 минг фермер хўжалиги фаолият юритган бўлса, эндиликда уларнинг сони 207 мингга етди.

Мустақилликнинг илк йилларида юртимизда бир миллион тоннага яқин ғалла етиштирилган бўлса, эндиликда бу кўрсаткич олти миллион тоннадан ошди. Шуниси диққатга сазоворки, бунга асосан ҳосилдорликни кўтариш ҳисобидан эришилмоқда. Масалан, 1990 йилларнинг бошида ғалла ҳосилдорлиги 20 центнердан ошмаган бўлса, жорий мавсумда бу кўрсаткич 48 центнердан ортиб кетди. Мамлакатимизда етиштирилаётган ғалланинг деярли барчаси, Президентимиз таъбири билан айтганда, қишлоқ хўжалигининг таянчи бўлмиш фермерлар улушига тўғри келгани, айниқса қувонарлидир.

Юртимизда ғалла етиштириш бўйича бой тажриба тўпланди. Бу юртимиз аҳолисининг ун ва ун маҳсулотларига бўлган талабини қондирибгина қолмай, балки эҳтиёжидан зиёдини экспорт қилиш имконини ҳам бераётир.

Яқин-яқингача 35-40 центнерлик марра мамлакатимиз деҳқонларининг орзуси ҳисобланган бўлса, бугун мазкур рақам 50-60, ҳатто 70-80 центнергача етмоқда. Жумладан, Фарғона вилояти Тошлоқ туманидаги "Луқмонов" фермер хўжалиги 124 гектар майдонга ғалла экиб, ҳар гектардан 70 центнердан ҳосил олди. Бухоро вилояти Жондор туманидаги "Искандар бобо" фермер хўжалиги аъзоларининг ғалла ҳосилдорлиги 75 центнердан ошди. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Гап, аслида, фақат рақам ва кўрсаткичларда ҳам эмас. Балки ислоҳотларнинг одамлар тафаккурини, ҳаётини, дунёқарашини нечоғли ўзгартираётганида. Бугунги фермер фақат ўзини ўйламайди. У эҳтиёжманд ҳамқишлоғининг аҳволига ҳам бефарқ қарамайди. Масалан Тошкент вилоятининг Оҳангарон туманида ғаллачиликка ихтисослашган "Авазхон" фермер хўжалиги кўрилган даромад ҳисобидан маҳаллага гузар, дўкон, болалар учун мактаб қурди. Шифохонага, кам таъминланган оилаларга ҳомийлик ёрдами кўрсатди.

— 95 гектар майдонда ғалла етиштирамиз, — дейди мазкур хўжалик раҳбари Авазхон Азимов. — Биринчи йиллари ҳар гектар ердан 20 центнер атрофида ҳосил олган бўлсак, вақт ўтиши билан тажрибамиз ошди. Дунёқарашимиз ўзгарди. Ишлаб топганимиз ўзимизники эканлигини англаб етдик. Эндиликда 45-50 центнердан ҳосил олаяпмиз. Жорий йилда давлатга 225 тонна ғалла сотдик. Даромадимиз 30 миллион сўмни ташкил этди.

Буларнинг барчаси мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар бераётган самаралардандир.

Сайёра ШОЕВА,
ЎзА шарҳловчиси.

Юртимизда болалар спортини ривожлантириш устувор масалалардан бири ҳисобланади. Шахсан Президентимиз бошчилигида бу борада олиб борилаётган ислоҳотлар натижаси ўлароқ, бугун қай бир гўша, қай бир маҳаллага борманг, болаларнинг спорт билан шуғулланишлари учун шароитлар муҳайё этилаётганини кўрасиз.

Мана, бир неча йилдирки, Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви томонидан юртимиз маҳаллаларининг ёшлари ўртасида «Футболимиз келажаги» турнири мусобақалари анъанавий тарзда ўтказиб келинмоқда. Айни кунларда ушбу мусобақаларнинг вилоятлар, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикаси босқичлари ғолиблари аниқланиб, ушбу жамоалар турнирнинг минтақавий босқичида куч синашишга ҳозирлик кўришмоқда.

* * *

Тошкент шаҳри

"Футболимиз келажаги" Республика турнирининг 11-12 ёшли ўсмирлар ўртасидаги шаҳар босқичи ниҳоясига етди.

Шаҳар миқёсидаги учрашувларда ўзаро куч синашган 176 та жамоада жами 2640 нафар умидли ёш футболчи иштирок этди.

Финал ўйини натижаларига кўра, Шайхонтоҳур туманидаги Белтепа маҳалласи ўсмирлари биринчи ўринни қўлга киритди. Иккинчи ўрин Сергели туманидаги Ёшлик маҳалласи ёш футболчиларига, учинчи ўрин эса М.Улуғбек ва Юнусобод тумани вакилларига насиб этди.

Куни кеча пойтахтимиздаги Амир Темур хиёбонида бўлиб ўтган тантанали тадбирда бош мукофот — мусобақа кубогини қабул қилиб олган Белтепа маҳалласи футболчиларига спорт кийими жамланмалари топширилди. Шунингдек, иккинчи ва учинчи ўрин совриндорлари ҳам медаллар ва турли эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Биринчи ўрин соҳиби бўлган Белтепа маҳалласи жамоаси бугун тонгда ушбу турнирнинг Чуст шаҳрида бўлиб ўтадиган минтақавий босқичида иштирок этиш учун жўнаб кетди.



СУРАТЛАРДА: *ғолибларни тақдирлаш тадбиридан лавҳалар.*
Р.ГАЛИЕВ олган суратлар.

* * *

Самарқанд вилояти

"Футболимиз келажаги" республика турнирининг 13-14 ёшли ўсмирлар ўртасидаги вилоят босқичи мусобақалари Самарқанд шаҳридаги Ватанпарвар маҳалласи ҳудудидаги ўйингоҳда бўлиб ўтди.

Муросасиз кечган финал баҳсларида Самарқанд шаҳридаги Янги хайробод маҳалласилик ёш чарм тўп усталарига тенг келадигани топилмади. Улар мусобақанинг ғолиби деб топилиб, турнирнинг Хоразм шаҳрида ўтказиладиган минтақавий босқич беллашувларида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

Ғолиб жамоага "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими томонидан рангли телевизор тақдим этилди. Бундан ташқари, иккинчи ўрин соҳиби — Булунғур туманидаги Йўлдош Охунбобоев номли ҳамда учинчи ўринни эгаллаган Иштихон туманидаги Иштихон маҳалласи ёш футболчилари ҳам ҳомийлар томонидан спорт кийимлари ва футбол тўплари билан тақдирланди.

* * *

Навоий вилояти

Турнирнинг 11-12 ёшли ўсмирлар ўртасидаги вилоят босқичи беллашувлари Қизилтепа туманида ўтказилди.

Майдонда тўп сурган ўнта жамоа ўртасида Навбаҳор туманидаги Бешрабод маҳалласининг ёш футболчилари барча рақибларини доғда қолдириб, турнирнинг Термиз шаҳрида ўтказиладиган минтақавий босқичига йўлланмани қўлга киритди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

2007 йилнинг 1 августидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида

Республика аҳолисининг турмуш даражасини янада ошириш ва фуқароларига ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида:

1. 2007 йилнинг 1 августидан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар ва ижтимоий нафақалар, стипендиялар ўрта ҳисобда 1,25 баравар оширилсин.

2. 2007 йилнинг 1 августидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи — ойига 15525 сўм;

ёшга доир пенсиялар — ойига 30750 сўм;

ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разряд — ойига 15525 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 30750 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 18625 сўм миқдорида белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўшиладиган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек, пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болали оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2007 йилнинг 1 августидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар, бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг мансаб маошлари миқдорини мазкур Фармондан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин.

6. Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар 2007 йилнинг 1 августидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш, шунингдек, жорий йил бошидан хўжалик юритувчи субъектлар зиммасига тушадиган солиқ юки даражасини пасайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 12 октябрдаги ПФ-3808-сон Фармони (7-банди истисно қилинган ҳолда) 2007 йил 1 августдан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2007 йил 10 июль

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 июлдаги «2007 йилнинг 1 августидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги ПФ-3889-сонли Фармонига

ШАРҲ

Фуқароларнинг моддий фаровонлигини муттасил ошириб бориш, аҳолининг аниқ ва ишончли ижтимоий ҳимоясини таъминлаш масалалари Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукуматимизнинг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда.

Кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида мамлакатимизда ўртача иш ҳақи миқдори 2006 йилнинг охирига келиб 187,6 минг сўмга ёки 150 АҚШ долларига етди. Айни вақтда ушбу кўрсаткич саноатда 301,4 минг сўмни, алоқа тизимида — 293,8 минг ва транспорт тизимида — 285,9 минг сўмни ташкил этди.

Бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи миқдорлари 2006 йилнинг ўзидагина 44 фоиз, умумтаълим мактаблари ўқитувчилари ҳамда тиббиёт ходимларининг меҳнат ҳақи миқдорлари эса, моддий рағбатлантиришни ҳам қўшиб ҳисоблаганда, ўртача 2 баравар кўпайди.

Давоми 2-сахифада

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 060 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

www.mahalla.uz

E-mail: mahalla.gz@rambler.ru

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62

«M.R» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар:
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

Азиз муштарий! «Mahalla»га 2007 йилнинг қолган муддати учун обуна давом этмоқда. Шошилинг! Йўқотилган кун учун ачинишдан кўра эртанги кун учун қайғурган афзал.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 июлдаги «2007 йилнинг 1 августидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги ПФ-3889-сонли Фармонига

ШАРҲ

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган ушбу Фармон мамлакатимизда аҳолининг меҳнат ҳақи ва турмуш даражасини изчиллик билан ошириб боришни таъминлаш борасида амалга оширилаётган комплекс чора-тадбирларнинг мантиқий давомидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 июлдаги Фармони билан бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, барча тоифалардаги пенсиялар ва ижтимоий нафақалар, стипендиялар шу йилнинг 1 августидан бошлаб 1,25 баравар оширилади.

Шундан келиб чиққан ҳолда, қуйидагиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи миқдорлари:

- маориф соҳаси ходимлариники — 100 минг сўмдан, шу жумладан ўқитувчиларники — 117 минг сўмдан ошади;
- соғлиқни сақлаш ходимлариники кўпайиб, 87 минг сўмга етади, шифокорларники эса — 128 минг сўмдан ошади.

Жорий йилнинг 1 августидан бошлаб энг кам иш ҳақи миқдори амалдаги 12420 сўм ўрнига 15525 сўмни ташкил этади. Шунга мувофиқ, иш ҳақига қўшиладиган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болали оилаларга бериладиган нафақалар, компенсация ва бошқа тўловлар мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Аҳолига иш ҳақи ва бошқа тўловлар миқдорларини ошириш Давлат бюджети, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ва Бандликка кўмаклашиш жамғармаси томонидан таъминланади. Ушбу мақсадлар учун 2007 йилнинг охиригача салкам 460 миллиард сўм маблағ қўшимча равишда ажратилади.

Мазкур Фармонда хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар ходимларининг иш ҳақи миқдорларини ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш билан боғлиқ ҳолда ошириш ҳам назарда тутилган. Бундан ташқари, хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар ходимлари иш ҳақини оширишнинг ишончли манбаларини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг бошидаёқ хўжалик юритувчи субъектларнинг даромад (фойда) солиғи ставкаси 12 фоиздан 10 фоизга, кичик бизнес субъектлари учун ягона солиқ тўлови ставкаси эса 13 фоиздан 10 фоизга пасайтирилди. Шунинг ҳисобига бўшайдиган 104 миллиард сўмдан кўпроқ миқдордаги маблағ хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар ходимларининг иш ҳақини оширишга мақсадли тартибда йўналтирилади.

Умуман олганда, Республика Президентининг мазкур Фармони қабул қилинишини 2010 йилгача аҳолига иш ҳақи ва бошқа тўловлар миқдорини 2,5 баравар оширишдан иборат кенг миқёсли дастурнинг амалга оширила бошланиши, деб билиш керак.

Ташаббуснинг қаноти бор...

Тошкент вилояти

Томорқадан ўзилиб, маҳалладошга узатилаётган неъматлар

уларнинг етиштирувчиси ҳам, харидори ҳам маҳалла аҳли

Маҳаллаларнинг гавжум жойларида, гузарларида ташкил этилган, сабзавотлар, мева ва зираворлар, жумладан, қорамол гўшти ва паррандачилик маҳсулотлари билан савдо қилувчи мавсумий дўконлар хизмати маҳалладошларга манзур бўлмоқда. Бу дўконларда сотувчи ҳам, харидор ҳам маҳалладошларнинг ўзлари: биров эҳтиёжидан ортганини сотса, биров эҳтиёжига яраша харид қилади. «Бозори яқиннинг мушкули осон бўлади-да», дейишмоқда улар. Бозорингу мозоринг ийроқ бўлмасин, деган нақл ҳам бор, халқимизда. Бу нақл бежизга айтилмаганлиги ҳаётимизда ўз тасдиғини топяпти.

Қишлоқ жойларда деҳқончилик қилмайдиган оила кам. «Етгани рўзғорники, ортгани элники» деб томорқасидаги бир парча ерни ҳам бўш қўймайдиган, экилган экин ҳосилидан маҳалладошлари, қўни-қўшниларини ҳам бахраманд этаётган, бундан ҳам ортганини бозорларга элтиб, тўкин-сочинликка ҳисса қўшаётган юртдошларимиз анчагина. Аммо томорқада етиштирилган маҳсулотнинг оила эҳтиёжидан ортганини шаҳар ёки туман марказидаги бозорга етказиб сотишга ҳамма ҳам ҳафсала қилмайди ёки вақт ажратолмайди. Боз устига, 5-10 килограмм мева ёки сабзавотни марказдаги бозорга олиб бориб сотиш учун йўл харажати, жой пули сарфлаш лозим. Ўз навбатида харидор ҳам рўзғорига керак бўлган сабзавотни, масалан, 2 килограмм помидорни харид қилиш учун бир неча чақирим наридаги бозорга бориб келиш учун вақтини ҳам, нақдини ҳам аяйди, албатта.

Жорий йилнинг май ойидан бошлаб вилоятимиз бўйлаб бир хайрли ишга қўл урилдики, шу туфайли маҳалладошларнинг томорқаларида етиштирилган мева-сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳам ўз харидорини топадиган бўлди. Вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказувчи деҳқон-фермер хўжаликлари ва фуқароларга қулайлик яратиш, қолаверса, бу маҳсулотларга эҳтиёжи бор маҳалладошларнинг узоғини яқин қилиш мақсадида маҳаллаларда дўконлар ҳамда савдо шахобчалари ташкил этилди. Бу тадбир «Маҳалла» жамғармаси туман бўлинмалари мутасаддилари бошчилигида маҳалла, қишлоқ фуқаролар йиғинлари марказлари, аҳоли гавжум жойларда айнан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари савдосини юритишга қулай шароитлар эътиборга олинган ҳолда ташкил этилди. Дўконлар ёғин-сочин ва офтоб нуридан пана қиладиган енгил конструкцияли қурилмалардан бунёд этилди, бунда ушбу савдо нуқталарининг мавсумий фаолият кўрсатиши эътиборга олинди.

Дўконлар ёнида сотиш ва сақлашда алоҳида санитария-гигиена шароитлари талаб этиладиган қорамол ва товуқ гўшти, тухум каби маҳсулотлар билан савдо қиладиган шахобчаларни ҳам бунёд этиш белгилаб қўйилди. Ушбу дўконларга маҳсулотларни етказиб берувчи деҳқон, фермер хўжаликлари бириктирилди.

«Маҳалла» жамғармасининг вилоят бўлими, шаҳар ва туман бўлинмалари мутасаддилари ҳамда барча йиғинлар раислари томонидан масала моҳияти чуқур таҳлил қилиниб, вилоятда мавжуд 1276 та маҳалла йиғинларининг 989 тасида маҳалла дўконлари ҳамда 318 та турғун савдо шахобчалари ташкил этиш белгиланди. Айни кунгача 935 та дўкон ташкил этилди, 157 та турғун савдо шахобчалари қурилишида ҳудудда фаолият юритувчи тадбиркорлар, фермерлар ҳам жалб қилинди. Дўконлар пештахтасидан хонадонларда етиштирилган турфа хил сабзавотлар ҳамда резаворлар узилмайди. Нарх-наво ҳам бозордагига нисбатан анча арзон. Сотилаётган маҳсулотлар шу ернинг ўзида етиштирилганидан маҳсулотнинг таннархи ошишига сабаб бўладиган йўл-транспорт харажатлари йўқ. Қолаверса, маҳсулот сотувчидан бозорлардаги сингари савдо жойи учун ҳақ талаб этилмайди. Гўшт дўконларидаги маҳсулотлар йиғин аҳолиси томонидан етиштирилган. Дарвоқе, қорамолга озуқа топиш муаммоси йўқ, сабаби ҳудудда қунжара, шелуха, кепак ва бошқа емишлар сотиладиган махсус дўконлар ҳам мавжуд. Бундан ташқари гўшт ва паррандачилик маҳсулотларини етказиб бериш учун 1200 нафардан ортиқ деҳқон-фермер хўжаликлари билан шартномалар тузилган.

Нарх-навони бир маромда ушлаб туриш борасида бошқа чоралар ҳам қўлланилган бўлиб, бу масала ҳудудий солиқ инспекциялари ходимлари ва «Маҳалла» жамғармасининг бўлинмалари мутасаддилари назоратида.

Комилжон ШОДИМЕТОВ,
«Маҳалла» жамғармаси Тошкент вилояти бўлими раиси, иқтисод фанлари номзоди.

Бунёдкор халқмиз

Фарғона вилояти

ЯНА БИР ЯНГИ ГУЗАР

Қутлуғ 2000 йиллик тўйига ҳозирлик кўраётган қадим Марғилонда кенг кўламли бунёдкорлик, ободончилик ишлари давом этмоқда. Бу ишларда Олтиариқ туманидаги "1-кўчма механизациялашган карвон" масъулияти чекланган жамияти қурувчиларининг ҳам ҳиссаси катта. Айни пайтда мазкур жамият бунёдкорлари томонидан Марғилон тиббиёт коллежи талабалари учун барча шарт-шароитларга эга бўлган 158 ўринли ётоқхона қуриб битказилди. Шунингдек, шаҳардаги Аҳмад Яссавий номли маҳаллада янгидан барпо этилган гузар ҳамда меҳмонхона шаҳар ҳуснига ҳусн қўшмоқда.

СУРАТДА: *Аҳмад Яссавий номли маҳаллада қад ростлаган гузар биносининг кўриниши.*

М.ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат.

Қорақалпоғистон Республикаси

ТАЪТИЛДАГИ БОЛАЛАРГА ТУҲФА

«Маҳалла» жамғармасининг Беруний тумани бўлинмаси томонидан жорий йилнинг ўтган даври давомида кам таъминланган, ногирон, ёрдамга муҳтож оилаларнинг 100 тасига газ тўлови учун 500 минг сўм, электр энергияси тўлови учун 82 та оилага 410 минг сўм, телефон тўлови учун бир миллион сўм маблағ ўтказиб берилди. 20 та оилага эса 275 минг сўмлик моддий кўмак кўрсатилди.

Гишт заводи қўрғонида истиқомат қилган Қувнат Ҳуснуддинов фавқулодда юз берган фожиа туфайли ҳаётдан барвақт кўз юмган эди. Бўлинма томонидан марҳумнинг оиласи учун 200 минг сўм пул ажратилди. Шунингдек, тумандаги 3 та кам таъминланган оилага бир бошдан қарамол олиб берилди.

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фахрийлари, байналмилалчи жангчилар, Чернобил фожиасини бартараф этишда иштирок этганлар ҳам ҳамиша эътиборда.

Соли Кўзибоев номли маҳаллада спорт майдончаси қурилиши учун жамғарма бўлинмаси томонидан 2 миллион сўм маблағ сарфланди. Айни пайтда болалар иншоотда спортнинг беш тури бўйича мунтазам машғулотлар ўтказишмоқда. «Футболимиз келажаги» турнирининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи мусобақаларига ҳам Беруний тумани мезбонлик қилди. Бундан ташқари болаларнинг ёзги таътилни марокли ўтказишлари учун 4 миллион сўм ажратилди.

Асил БЕК,
«Mahalla» мухбири.

Тошкент шаҳри

NAMUNAга НАМУНА АЁЛ

у ўз фаолияти орқали маҳалладошларининг муаммоларини ҳал этишга кўмаклашяпти

— Маҳалламизда яшайдиган бир ҳомиладор аёлнинг даволанишдан бош тортиб, уйига кетиб қолгани ва у шошилинч равишда шифохонага ётқизилиб, даволанмаса, ўзининг ҳам, ҳомиласининг ҳам соғлиғига жиддий зиён етиши ҳақида ярим тунда туғруқхонадан телефон қилиб айтишди, — дейди Собир Раҳимов туманидаги Намуна маҳалласининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Муфаррах Содиқова. — Беморнинг уйига бориб, эрим рухсат бермайди, дейишига қарамай, тезда касалхонага жойлаштирдик. Бироздан сўнг аёлнинг турмуш ўртоғи орқамиздан етиб келиб, шахсий ҳаётига аралашишга ҳаққимиз йўқлигини айтиб, жанжал кўтарди... Маълум бўлишича, аёлнинг шифохонада ётиб даволаниши учун оилавий шароити тўғри келмаган экан. Шунда шифокорлардан беморнинг соғлиғини тиклашда зарур бўладиган дорилар рўйхатини олиб, барча харажатларни ўзимиз кўтардик. Аёл эсон-омон кўзи ёриб уйига қайтгач, эри фуқаролар йиғини идорасига келиб, бизга қайта-қайта миннатдорчилик билдириб кетди.

Муфаррах Содиқова ўтган йили «Энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маҳалла маслаҳатчиси» Республика кўрик-танловининг шаҳар босқичида биринчи ҳамда республика босқичида намунали ўрин соҳиби бўлган эди.

— Маслаҳатчи аҳолига даставвал маънавий жиҳатдан далда бўлиши керак, — дейди суҳбатдошимиз. — Маҳалламиз ташкил этилган 2004-2005 йилларда ҳисобимизда маблағ кам эди. Ушанда биз ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан гузаримиз боғидан узилган гулларнинг ёнига қутлов қоғозчаларини қўшиб, йиғинимиз ҳудудида яшайдиган ёши улуғ ўқитувчиларни табриклаб чиқдик. Мана шу арзимаган совғамизни кўриб, кўзига қувонч ёшларини олган кишилар бўлди. Мен ўшанда меҳр-оқибат ва бир-бирини йўқлаб туриш ҳар қандай совғадан қадрлироқ эканини англадим. Бу эса маҳалладошларни жипслаштирадиган асосий кучдир.

Дарҳақиқат, Муфаррах опанинг саъй-ҳаракати билан ҳудудда истиқомат қиладиган иккита кам таъминланган оиланинг вояга етмаган ногирон фарзандлари пойтахтимизга Германиядан келган шифокорларнинг қабулига кириб даволанди. Шу билан бирга, уларга ногиронлик нафақалари белгиланди. Кўзи ожизланиб қолган бир отахоннинг кўзлари Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги кўмаги билан даволанди.

Маҳаллада деярли ҳар ҳафтада отинойи ва диншунос мутахассислар, туман ички ишлар бўлими ходимлари ҳамкорлигида уюштириб туриладиган мулоқотлар ёшлар, айниқса, уйда ўтирган аёлларнинг диний ва ҳуқуқий билимини оширишда қўл келмоқда. Ҳудуддаги 52-оилавий поликлиника ҳамкорлигида ҳафтанинг ҳар пайшанба куни ўтказиб келинаётган учрашувлар натижасида хотин-қизларнинг тиббий маданияти ошиб боряпти.

Маҳалла оқсоқоли Бахтиёр Исманов маслаҳатчи ҳақида гапирар экан:

— Муфарраххон учун йиғин идораси «Бу сенинг ишинг, бу менинг ишим» деб ўтирадиган жой эмас, — дейди. — Унинг ҳатто ажрашиб кетаётган оилани сақлаб қолиш мақсадида бир келиннинг ота-онасиникига — Тошкент вилоятига, бир куёвникига қатнаб, эр-хотинни яраштирган кунлари бўлган...

— Маслаҳатчилар учун ўтказилаётган ўқув-семинарлари фаолиятимизда катта аҳамиятга эга. Лекин, менимча, «Оила» илмий-амалий маркази мутахассисларини ҳам маҳаллага жалб қилиш керак, — дейди Муфаррах опа. — Чунки, биз қанча уринмайлик, ўтган ярим йил давомида ҳудудимиздаги тўртта оила турли сабабларга кўра ажрашиб кетди. Эҳтимол, мана шундай вазиятда психолог мутахассислар кўмагида оилани сақлаб қолиш ҳам мумкин эди.

Ҳамза АБДУЛЛАЕВ

Маслаҳатчи иш тажрибасидан

Бухоро вилояти

ЭЪТИРОФГА ЛОЙИҚ ФАОЛИЯТ

бу фаолиятда кўп йиллик меҳнат ва иш тажрибаси асқотмоқда

Ўтган қисқа давр мобайнида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи вазифасига тайинланган бир қатор тажрибали маслаҳатчиларнинг маҳаллаларда, аҳоли ўртасида олиб бораётган ишлари алоҳида эътибор ва эътирофга лойиқ. Ана шундай маслаҳатчилардан бири Пиридастгир маҳалласи фуқаролар йиғинида фаолият юритаётган Галина опа Эргашевадир.

— Фуқароларимиз бир-бирларига меҳр-оқибат кўрсатиб, ўзаро ҳамжиҳатликда яшашлари даркор, — дейди Галина опа.

Маслаҳатчи кундалик иш жараёнида ҳам юқоридаги фикрга қатъий амал қилади. Қолаверса, унинг 40 йил давомида халқ таълими соҳасида меҳнат қилгани бугунги фаолиятида асқотяпти. Маҳалладаги дастлабки ишини ҳам «Мактаб — маҳалла — оила» концепцияси талабларини бажаришдан бошлаган. Негаки, оиладаги муҳит соғлом бўлса, жамият ривож топади, фарзандларимизнинг комил инсонлар бўлиб вояга етишлари учун мустаҳкам замин яратилади.

Пиридастгир маҳалласи маслаҳатчиси ҳудудда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалаларини «Оналар ва болалар саломатлиги муҳофазаси», «Хотин-қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш», «Оила — боғча — маҳалла — мактаб» ҳамкорлиги тамойиллари асосида ташкил этган.

Галина опа маҳалла ҳудудидаги 21 ва 23-умумтаълим ҳамда 1-сонли спорт мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, 3 ва 4-сонли поликлиникалар, шаҳар Ички ишлар бошқармаси ва бошқа бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда иш юритади. Энг асосийси, маслаҳатчи ташаббуси билан ташкил этилган ҳар бир тадбир ўзининг ранг-баранглиги, очиқ мулоқот тарзида ўтиши билан иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

МУХБИРИМИЗ

Иллатнинг илдизи қаерда?

ҚУВВАИ ЗОҲИРНИНГ ХАЛОСКОР КУЧИ

гиёҳвандлик ва ичкиликбозликдан халос бўлишнинг энг самарали чораси инсон иродаси мустаҳкамлигидир

Бугунги кунда жаҳон ҳамжамияти томонидан гиёҳвандлик иллатини бартараф этиш йўлида олиб борилаётган саъй-ҳаракатларга қарамай, сайёрамизда ҳар дақиқада 10 нафар инсон айнан гиёҳвандлик туфайли нобуд бўлаётгани бутун инсониятни жиддий ташвишга солади. Сўровлар натижасига кўра, кўпчилик бу офатнинг дунё бўйлаб томир отишига асосан гиёҳванд моддалар савдоси билан шуғулланувчи кимсаларга қарши етарли чора ва жазолар қўлланилмаётгани сабаб, деб ҳисоблар экан. Бу важни ҳам инкор этмаган ҳолда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, гиёҳвандлик иллатидан сақланишда ҳар бир инсоннинг қувваи зоҳири, яъни руҳий бақувватлиги муҳим аҳамият касб этади. Инсон иродаси кучи худди шунингдек, гиёҳвандлик домига илинган кишиларнинг бу тузоқдан халос бўлишида ҳам энг асосий жиҳат ҳисобланади. Дунё бўйлаб минглаб махсус тиббий ва амалий ёрдам кўрсатиш муассасалари ишламоқдаки, уларнинг фаолиятидан кўзланган мақсад гиёҳвандлик ботқоғига ботган кимсаларни соғлом ҳаётга, жамиятга қайтаришдан иборат. Пойтахтимизда жойлашган ана шундай масканлардан бири «Кундала» тиббий марказидир. 2001 йилнинг 26 июнидан буён фаолият кўрсатиб келаётган ушбу марказ Россиянинг Москва шаҳрида жойлашган дунёга машҳур Яков Маршак клиникасининг Марказий Осиёдаги ягона филиалидир.

«Кундала» тиббиёт марказининг фаолияти билан яқиндан танишиш мақсадида марказ раҳбари Асиф Алихонов билан суҳбатда бўлдик.

— Марказ фаолияти ва бу ерда йўлга қўйилган даволаниш тартиблари, беморларга яратилган шароитлар ҳақида маълумот берсангиз.

— Марказимиз гиёҳвандлик ва ичкиликбозликка берилган беморларни даволашга ихтисослашган. Фаолиятимизнинг аҳамиятли жиҳати шундаки, бу ерда беморлар дори-дармонларсиз даволанади, яъни мутахассисларимизнинг асосий эътибори уларнинг руҳий ҳолатини ижобий томонга ўзгартиришга қаратилади. Кўпчилик бу иллатларни инсон феълидаги қусур, камчилик деб тушунади. Аслида эса гиёҳвандлик ҳам, ичкиликбозлик ҳам касаллик, ўта оғир ва даволаниши мураккаб хасталикдир.

Марказимизга мурожаат қилган беморларнинг даставвал тиббий ва руҳий ҳолати ҳар жиҳатдан ўрганилади. Шунга қараб ҳар бир бемор учун алоҳида муолажа дастури ишлаб чиқилади. Клиникамизда беморлар ҳақидаги барча маълумотлар сир сақланади. Даволаш усулларига тўхталадиган бўлсак, бемор 30 кун давомида стационар шароитда даволанади. Кейинги босқич 35 кун (ҳафтасига 4 марта), ундан сўнг беморлар ҳафтасига 2 марта клиникамизга келиб, мутахассислар назоратидан ўтишади. Биз улар билан икки йил давомида доимий мулоқотда бўлиб турамиз. Даволашда асосан кинезиоген терапия ва «12 қадам» усулларидан фойдаланамиз. Ҳар икки усулнинг асосини жисмоний машқлар ташкил этади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мазкур усуллар амалиётга киритилишидан аввал тегишли мутахассислар томонидан Ўрта Осиёда яшайдиган халқларнинг менталитетига мослаштирилиб, қайта ишланган. Бунда минтақамизнинг иқлим шароитидан тортиб, кишиларнинг дунёқараши ва қизиқишлари ҳам алоҳида таҳлил этилган.



Беморларга тўрт маҳал махсус парҳез таомлар берилади. Даволаришнинг дастлабки босқичида беморларнинг оила аъзолари билан ҳам ҳафтада бир марта машғулотлар ўтказилади. Бу машғулотлар даволаниш курси тугагач, беморнинг гиёҳвандлик иллатидан бутунлай воз кечиб, соғлом турмуш тарзига қайтишида яқин кишилари томонидан алоҳида маънавий ёрдам зарурлиги, оиладаги муҳит ва ўзаро муносабатларнинг ташкил этилиши хусусидаги суҳбатлар кўринишида бўлиб, машғулотларда керакли маслаҳатлар берилишидан ташқари, мавзуга оид турли адабиётлар ҳам тарқатилади.

— Бугунги кунда «Кундала»да қўлланилаётган даволаш усуллари қай даражада самарали бўлмоқда?

— Марказимизда қўлланилаётган муолажа усуллари 100 фоиз ижобий натижа бериши мумкин. Фақат бунинг учун беморлар мутахассисларимизнинг кўрсатмаларига оғишмай риоя қилишлари шарт. Стационар шароитда даволаш босқичида беморларни ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланишга ўргатамиз. Бундан ташқари, беморнинг бутунлай соғайиб, янги ҳаёт бошлаши аввало унинг ўзига, иродаси ва сабр-тоқатига боғлиқ. Агар инсон бу иллатни енгишга ўзида куч топа олмаса, унга энг самарали даволаш усули ҳам ёрдам беролмайди. Шу боис, биз беморларнинг руҳий оламини бойитиш, уларда соғлом турмуш тарзига қизиқиш уйғотиш, иш, оила ҳақида ўйлашга, келажак ҳақида орзу, режалар тузишга, умуман олганда, ҳаётдан маънавий завқ олишга ўргатамиз.

2001 ва 2006 йилларда ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, марказимизда даволанган беморларнинг 61,9 фоизи соғлом турмуш тарзига қайтган. Бу — Россиянинг нуфузли клиникаларида малака ошириб қайтган мутахассисларимиз, руҳшуносларимизнинг ўз ишига масъулият билан ёндашуви натижаси.

— Ҳар қандай касалликни даволашдан кўра, унинг олдини олиш осонроқ, деган фикр мавжуд. Бу борада марказнинг хасталик профилактикасига доир фаолияти қандай ташкил этиляпти?

— Албатта, беморларни даволаш билангина гиёҳвандликка буткул барҳам бериш қийин. Бу борада тиббий муолажалардан ташқари, ахборот-коммуникация, тарғибот воситаларидан фойдаланиш ҳам яхши самара беради. Аҳоли, айниқса, ёшлар онгига, тасаввурига бу иллатларнинг фожиали оқибатларини бутун дахшати билан, рўй-рост сингдиришимиз керак, токи улар ҳушёр тортсинлар. Клиникамизга мурожаат қилувчиларнинг аксарияти 18-30 ёшдаги кишилардир. Гиёҳвандликнинг салбий оқибатлари ҳақида етарлича маълумотга эга бўлмаслик ҳам ёшларимизнинг бу йўлга кириб қолишларига сабаб бўлиши мумкин. Радио ва телевидение орқали узатилаётган ижтимоий роликлар, кўрсатув ва эшиттиришлар эса кенг оммага етказилмоқда. Ана шу мавзуда матбуотда кўплаб мақолалар чоп этиляпти. Бу каби тадбирлар маҳаллалар, лицей ва коллежлар, «Меҳрибонлик» уйлари ҳамда олий таълим муассасаларида ҳам ўтказилмоқда. Бу борада «Камолот» ЁИҲ билан ҳам яқиндан ҳамкорлик ўрнатганмиз. Ҳар йили 26 июнь — Бутунжаҳон гиёҳвандликка қарши кураш кунида марказимиз томонидан ёшлар ўртасида гиёҳвандлик ҳолатини аниқловчи экспресс-тестлар бепул тарқатилади.

Жорий йилнинг сентябрь ойида «Кундала» тиббий марказининг барча қулайликларга эга бўлган, кўпўринли замонавий бинога кўчиб ўтиши режалаштирилган. Бу ерда беморларнинг спорт билан шуғулланишлари учун янада кенгроқ имкониятлар яратилади.

Наргис БЕРДИБОЕВА суҳбатлашди.

"KUNDALA" TIBBIY MARKAZI

«Кундала» сўзи санскрит тилида инсоннинг руҳий қувватини ошириш, тўғри йўналтириш маъносини англатади.

Бир маҳалла тарихи

Навоий вилояти

ЭШОНИ СУДУР

Нурота шаҳридаги маҳаллалар узоқ минг йиллик тарихга эга. Наршахийнинг "Бухоро тарихи" китобида таъкидланишича, "Нури Бухоро" деб аталган Нуротада IX-X асрларда ҳам маҳаллалар мавжуд бўлган. Шаҳар қадимдан Араб гузар, Ўрта гузар, Миришкор каби гузарларга бўлинган бўлиб, худди шундай ҳудудий бўлиниш ҳозирга қадар сақланиб қолган. Ҳар бир гузарда 6-7 тадан маҳалла мавжуд бўлган. Масалан, Сайидато, Чуқурак, Турко, Қулмуҳаммад, Чилла мозор, Бўдиқ маҳаллалари Ўрта гузарга қарашли бўлиб, шўролар даврида улар европача номлар билан атаб келинди. Истиқлолдан сўнг маҳаллаларнинг қадимий номлари қайта тикланди. Жумладан, бизнинг маҳалла Бўдиқ маҳалласидан ажралиб чиққан 1960 йилларда Титов номи билан аталар эди. 1992 йилда унга маҳалладошимиз Эшони Судур номининг берилиши барчамизни қувонтирди.

Шу ўринда савол туғилиши табиий: Эшони Судур ким бўлган? Маҳаллага нега унинг номи берилди?

Турсунхўжа Эшонхўжа ўғли 1872 йили Нуротада туғилган. "Судур" олий унвонлардан бири бўлиб, Бухоро амири томонидан берилган. Ушбу унвонга эга бўлган киши амирнинг шу бекликдаги ишонган вакили ҳисобланган. Белга тақиладиган кумуш камар судурлик белгиси бўлган. Турсунхўжа дастлаб мактабдор домлалар қўлида, сўнгра Бухоро мадрасасида таҳсил олган. Аввалига туз савдоси билан шуғулланиб, бироз маблағ жамғаргач, ҳунармандчилик буюмлари ва матолар савдосини йўлга қўяди. 1905-1910 йилларда таниқли давлат арбоби Файзулла Хўжаевнинг отаси Убайдуллахўжа билан танишади. Убайдуллахўжа Турсунхўжани ўз корхонасига қоракўл тери бўйича мутахассис сифатида ишга қабул қилади. Унинг вазифаси Бухоро туманларидан қоракўл териларни йиғиш, ишлов бериб, Россия, Англия ва Франциянинг саноати ривожланган шаҳарларига элтиб сотиш эди. Ўз навбатида Фарангистондан олий навли ип, ялтироқ мато олиб келиб, маҳаллий бозорларни тўлдиради. Ҳозир ҳам онахонларимиз сифатли ипни фаранги ип, матони эса фаранг деб аташади.

Эшони Судур маърифатпарвар кишилардан эди. Нуротадаги Чил устун жоме масжиди, Сайидато маҳалласидаги масжид ва фин саунаси услубидаги ҳаммом унинг ҳомийлигида қурилган. Шўролар тузуми ўрнатилгач, ўз маблағи ҳисобига янги мактаб қурдирган (ҳозир бу бинода телефон тармоқлари станцияси жойлашган). Эшони Судур 1899 йил Нуротага биринчи патефонни олиб келиб, "Қуръон" оятлари ёзилган пластинкани қўйиб эшиттирганида, одамлар ҳайратланиб, "темир қути"ни зиёрат қилишган экан. Очарчилик ва вабо тарқалган 1916-17 йилларда у киши бошчилигида кўчалардаги қаровсиз ўликлар эъзозлаб кўмилган. Буғдой пишиғигача ўз ҳисобидан дошқозонларда мунтазам иссиқ овқат пиширтириб, маҳалладошларига улашган. Чечак касали тарқалганда хориждан табибларни олиб келиб, халқни касалликка қарши эмлатган.

Эшони Судурни қўлигул боғбон сифатида ҳам хотирлашади. У киши бир дарахтга турли меваларни пайванд қилиб, юқори ҳосил олар экан. Нуротага биринчи бўлиб помидор, картошка ва акация дарахтини, ноёб гулларни олиб келиб эккан. Хусусан, Бухородан келтирилиб, маҳалла кўчаларига экилган юз туп тут кўчатларининг айримлари ҳозир ҳам яшнаб турибди.

Афсуски, ўтган асрнинг 30-йилларида Турсунхўжа эшон қулоқ сифатида Самара шаҳрига сургун қилинди. Сургундан сўнг оиласи билан Тожикистоннинг Роҳати туманидаги Танган қишлоғида яшади. 1936 йилда вафот этгач, шу қишлоқ қабристонига дафн этилган.

Қодир ҲАЗРАТОВ,
ўқитувчи;
Зулфия СУПОНОВА,
Эшони Судур маҳалласи маслаҳатчиси.

Иш билганга балли

Бухоро вилояти

УЙ ЁНИДА ИШХОНА

бу маҳалладошларга қулайлик туғдирмоқда

Тадбиркор Султон Меҳмонов Жондор туманидаги Навгади қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида истиқомат қилади. У туман марказида хусусий дорихона очиб, бироз муддат тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланди.

Ўзи туғилиб ўсган маҳалла ҳудудида яшайдиган аҳоли учун қулайлик яратиш тадбиркорнинг орзуси эди. У орзусини рўёбга чиқариш учун кўп елиб-югурди. Натижада Навгади қишлоғида "Пахтаойтекс" кичик корхонасини қуриб ишга туширди.

Айни пайтда ушбу корхонада маҳалланинг 15 нафар қиз-жувонлари иш билан банд. Уларнинг ойлик иш ҳақлари ўртача ҳисобда 40-50 минг сўмни ташкил қиляпти. Корхонада меҳнат фаолиятини бошлаган қишлоқ аёллари уйларининг ёнида яратилган бундай имкониятдан ниҳоятда мамнун.

— Ҳозирча корхонамизда бўз ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Келгусида бошқа турдаги газламалар ишлаб чиқариш учун янги дастгоҳлар ўрнатишни режалаштирганмиз. Ўшанда ишчи ўринлари ҳам, маош ҳам икки-уч бараварга кўпаяди, — дейди тадбиркор Султон Меҳмонов.

"Пахтаойтекс" ўз ишчи-ходимларининг республикамиз шаҳарлари бўйлаб саёҳатини ташкил қилди. Шунингдек, ҳудуддаги "Пахтаой" болалар боғчаси биносини таъмирлаб беришни ўз зиммасига олди. Бундан ташқари, корхона маъмурияти фуқаролар йиғини ҳудудидаги кам таъминланган ва эҳтиёжманд оилаларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни ҳам ёдидан чиқаргани йўқ.

Албатта, қишлоқ жойларда катта-кичик корхоналарнинг ташкил этилиши аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, бундай корхоналар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга мўлжалланган бўлса, янада яхши. Зотан, Юртбошимиз ҳам яқинда вилоятга қилган ташрифи чоғида қишлоқ тадбиркорлари олдига айнан шу вазифани ҳал қилиш масаласини қўйган эди.

Ҳамроз АЛИ,
"Mahalla" мухбири.

СУРАТДА: *корхонанинг илғор калавачиларидан бири Манзура Адизова.*

Олам турфа



ЖИЛОВЛАНГАН ҚУШ

Австралиялик Фред Маркин ўз фермасида туяқушларни боқади. Унинг подаси 85 бошдан иборат.

Ҳозир Австралиядаги айрим шаҳарларда туяқушлардан иборат транспорт воситалари пайдо бўлмоқда. Қушларни жиловлаб улардан от ўрнида фойдаланишмоқда. Туяқушлар етарли даражада кучли ва чидамли бўлганликлари учун ҳам уларни араволарга қўшиш мумкин.

ЖАСОРАТЛИ ЛУИЗА

Чилининг Чикас қишлоғида яшовчи ёшгина Луиза Охеда деган деҳқон қиз унча-мунча эркакларнинг қўлидан келмайдиган ишни амалга оширди.

Товуқхонадаги шовқин-суронни тинчитиш мақсадида у қўлига таёқ олиб ичкарига кирди ва қоронғуликда ёғоч билан чақирилган «меҳмон»ни роса сийлади.

У ўзи уриб ўлдирган ҳайвон шер эканлигини билгач, лол қолди. Афтидан йиртқич шошганидан нима қилишини билмай қолган бўлса керак. Бўлмаса, Луиза ҳамқишлоқлари олдида бундай мақната олмасди.

Йил дастури ижроси — амалда

Тошкент вилояти

ФАХРИЙЛАРГА ЭҲТИРОМ

Мамлакатимизда қарияларни қадрлаш, уларга меҳр-мурувват кўрсатиш масаласига нафақат давлат, балки жамият зиммасидаги устивор вазифа сифатида қаралади. Ўз навбатида Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан ишлаб чиқилган давлат дастурида ҳам бу йўналишда алоҳида вазифалар белгилаб қўйилган.



Бўстонлиқ туманидаги «Товоқсой» сиҳатгоҳида бўлиб ўтган хайрия тадбири ҳам йил дастури доирасида ташкил этилди. Республика Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Бўстонлиқ тумани ҳокимлиги ҳамда «Товоқсой» сиҳатгоҳи томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда сиҳатгоҳда дам олиб, саломатлигини тиклаётган 500га яқин фахрий отахон ва онахонлар ҳамда меҳмонлар иштирок этишди.

Тадбирда Ўзбекистон Қаҳрамони, Республика Ёзувчилар уюшмаси раиси А.Орипов, Ўзбекистон Қаҳрамони З.Муҳаммаджонов, Республика фахрийларни қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси марказий кенгаши раиси Э.Боқибоев ва бошқа мутасадди ташкилотлар вакиллари сўзга чиқдилар. Шунингдек, юртимизнинг таниқли санъаткорлари ижросидаги куй-қўшиқлар ҳам тадбир иштирокчилари қалбига хушнудлик бахш этди.

МУХБИРИМИЗ

СУРАТЛАРДА: *тадбирдан лавҳалар.*

Эркин БОТИРОВ олган суратлар.

Болалар спорти

Андижон вилояти

ДЕҲҚОНЧЕКнинг СПОРТ МАКТАБИ

Қўрғонтепа туманидаги йирик қишлоқлардан бири — Деҳқончекда бундан икки йил аввал қурилган спорт мажмуида 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби фаолият юритмоқда. Айни пайтда бу ерда 400 нафардан зиёд қишлоқ ёшлари спортнинг футбол, белбоғли кураш, оғир атлетика, қўл тўпи, бокс каби турлари билан шуғулланишяпти. Мактабда махсус тренажерлар, кураш ва волейбол майдонлари, стадион ва қишки зал ҳам мавжуд.

— Ўтган йиллар давомида 20 нафарга яқин мураббийларимиз меҳнатининг самараси юзага чиқди, — дейди спорт мактаби директори Ғуломжон Ғойипов. — Озодбек Раҳмонов ҳамда Журъат Султонхўжаевлар ёшлар ўртасида ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида ғолибликни қўлга киритишди. Яна бир ўқувчимиз — Олимжон Бекназаров оғир атлетика бўйича Ўзбекистон терма жамоасига қабул қилинди. Бундан ташқари, мактабимизни тугаллаган 10 нафар ўқувчи ҳозирда Андижон олимпия захиралари коллежида таҳсил олмоқда.

Айни пайтга қадар мактабдан 2 нафар спорт усталигига номзод, 15 нафар биринчи разрядли ва 126 нафар оммавий разрядли спортчилар етишиб чиққани қувонарли натижа, албатта. Мактабни зарур спорт анжомлари билан жиҳозлашда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят бўлимининг ёрдами катта бўлмоқда. Ўтган йили бўлим томонидан мактабга 2 миллион 100 минг сўмлик спорт жиҳозлари олиб берилди.

Узоқбой САКСОНБОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Сўранг, жавоб берамиз

Савол:

СОТИЛГАН УН СИФАТСИЗ ЭКАН...

Дўконимизда сотиш мақсадида ун тайёрлайдиган корхоналарнинг биридан 50 қоп ун харид қилдим. Корхона маъмурияти сотаётган маҳсулотининг сифатига кафолат берган эди. Аммо олган маҳсулотимнинг 14 қопи муддати ўтиб, сифати бузилганлиги туфайли уларни мендан харид қилган кишилар қайтариб келиб, пулини талаб қилишди. Энди бу қопларнинг оғзи очилган ва ўзининг дастлабки сифатини йўқотган. Шу боис, ун ишлаб чиқариш корхонаси мендаги 14 қоп сифати бузилган уннинг фақат олти қопини қайтариб олишга рози бўлди. Улар сифатсиз маҳсулотни бошқа сифатлисига алмаштириб бериш мажбуриятига эга эмасми?



Жавоб:

ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАР ҚОПЛАНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 409-моддасига мувофиқ, агар сотиб олувчи товардаги камчиликлар товар сотиб олувчига топширилгунга қадар пайдо бўлганлигини ёки шу пайтгача вужудга келган сабаблар туфайли пайдо бўлганлигини исбот қилиб берса, сотувчи товарнинг камчиликлари учун жавобгар бўлади.

Агар сотувчи сифатига ўзи кафолат берган товардаги камчиликлар учун сотиб олувчига топширгандан сўнг сотиб олувчи товардан фойдаланиш ёки уни сақлаш қоидаларини бузганлиги ёки учинчи шахслар ҳаракати туфайли ёки олдини олиб бўлмайдиган куч таъсирида пайдо бўлганини исботлай олмаса, сотувчи бу товарнинг камчиликлари учун жавобгар бўлади.

"Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 13-моддасига биноан, нуқсонли товарни сотиб олган истеъмолчи, агар бу ҳол шартнома тузиш пайтида айтиб ўтилмаган бўлса, ўз хоҳишига қараб қуйидагилардан бирини талаб қилишга ҳақли:

· товарни айни шундай маркали (моделли, артекулли) мақбул сифатли товарга алмаштириб бериш;

· товарни бошқа маркали (моделли, артекулли) шундай товарга алмаштириб, унинг харид нархини тегишинча қайта ҳисоб-китоб қилиш;

· товарнинг нуқсонларини бепул бартараф этиш ёки истеъмолчининг ёхуд учинчи шахснинг нуқсонларни бартараф этишга қилган харажатларини қоплаш;

· харид нархини нуқсонга мутаносиб равишда камайтириш;

· шартномани бекор қилиб, кўрилган зарарни қоплаш...

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 434-моддасига кўра, ...товар учун тўланган пул суммасини сотиб олувчига қайтариш вақтида сотувчи ундан товардан тўлиқ ёки қисман фойдаланганлиги, товар кўриниши йўқолганлиги ёки бошқа шунга ўхшаш ҳолатлар туфайли товар қиймати қанча пасайган бўлса, шунча суммани ушлаб қолишга ҳақли эмас.

Эй сиз одамлар, эссиз одамлар

Фарғона вилояти

ДЕРАЗА ТОКЧАСИГА ЯШИРИНГАН "БАХТ"

ёки лақма қизнинг қимматбаҳо зебу зийнатларини фирибгар қизга бой бергани ҳақида

Муниса Нодиржонова (исм-шарифлар ўзгартирилган) ҳали ёш бўлса-да, содда одамларни авраб, мол-мулкини ўзлаштириш борасида анча устомон фирибгарларни ҳам ортда қолдириб кетди. Унинг бу борадаги режаси шунчалик пухта ўйлаб чиқилган ва қойилмақом ижро этилганки, эшитиб ёқа ушлашингиз турган гап.

Юқори қишлоқда истиқомат қилувчи бу қизнинг фикру зикрини осон бойлик орттириш истаги эгаллаган эди. Ўзининг шум ниятларини амалга оширишда унга доимий эрмаги бўлган телефон асқотди. У телефонда истаган рақамини териб, овозини ўзгартириб гапириш ҳадисини олганди. Бирдан ана шу қобилияти қинғир ишларини амалга ошириш учун қўл келиши мумкинлигини тушуниб қолган Муниса уни қўллаб, қанча-қанча одамларни чув туширишга ҳам улгурди.

Кунларнинг бирида у Охунбобоев номли қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи Манзурани кўриб қолди. Четдан кузатиб, унинг оққўнгил ва содда қиз эканига шубҳаси қолмади. Лекин Мунисанинг эътиборини жалб этган нарса қизнинг феъл-атвори эмас, бармоқларидаги қўша-қўша узуклар, бўйнидаги кўзни қамаштирувчи тилла занжирлар эди. Тақинчоқларга суқланиб боқар экан, қани энди шуларнинг ҳаммаси меники бўлиб қолса, дея хаёл қилди. Шу топда унинг дилида шум ният бош кўтарди. Манзуранинг танишларини суҳбатга тортиб, гап орасида тенги чиқмаётгани учун ҳали турмушга чиқмаганини ва телефон рақамини билиб олди. Уйга қайтгач, унга кўнғироқ қилди:

— Алло, Шаҳноз, яхшимисан. Бунча кўринмай кетдинг, ўртоқжон?

— Кечирасиз, адашдингиз шекилли. Бу ерда Шаҳноз яшамайди, — деди Манзура тўхтамай бидирлаётган Мунисага.

— Э, шунақами?.. Унда узр. Овозингиз худди дугонамникига ўхшар экан. Ўзингиз ким бўласиз?

Шундан кейин суҳбат ўз-ўзидан уланиб кетди. Муниса суҳбатни қизитиш учун сўзамоллик борасидаги бор маҳоратини ишга солди. Манзура эса аста-секин фириб домига илиниб бораётганини сезмас эди.

— Гулнорахон, илтимос телефон қилиб туринг. Гаплашиб турайлик, — деди Манзура хайрлашаётиб (Муниса ўзини Гулнора деб таништирган эди).

Режаси хамирдан қил суғургандек осон амалга ошаётган Муниса тез-тез телефон қилиб турар, содда Манзура эса ҳар сафар уни уйига таклиф қилишдан чарчамасди.

— Эртага дугонам Санамни юбораман. Қачон ўтиришимизни маслаҳатлашиб оласизлар. Ўзим борай десам, шу кунларда жуда ишим кўп, — деди Муниса навбатдаги таклифдан сўнг.

Эртаси куни, аниқроғи 2006 йил 3 декабрь куни Муниса Манзураникига борди ва ўзини Санам деб таништирди. Мезбон меҳмоннинг иззатини жойига қўйиш учун югуриб-елиб хизмат қиларди. У чой янгилаш учун хонадан чиққанида Муниса хонадаги жиҳозлари яхшилаб кўздан кечирди. Одатдагидек қизлар суҳбати ўз-ўзидан тақинчоқ ва кийим-кечакларга бориб тақалганда Манзуранинг соддалиги яна панд берди — янги танишига тилла тақинчоқларини кўрсатди.

Икки кундан сўнг кечки пайт Манзуранинг телефони жиринглади. Гўшакдан:

— Яхшимисан, қизим. Фаришталар кўнглимга солгани учун сенга кўнғироқ қиляпман. Душманларинг йўлингни боғлаб ташлашибди, сени бало-қазоларга гирифтор қилишмоқчи. Қора кучларни даф қилиб, бахтингни очиб бераман. Агар айтганларимни қилсанг, келажакда яхши хонадонга келин бўласан, бола-чақали, бой-бадавлат яшайсан.

Манзура нотаниш аёлнинг гапидан ҳангу манг бўлиб қолди. Аввалига ишонқирамади, бироқ "фолбин" у ҳақидаги маълумотларни, ҳатто уйидаги жиҳозларнинг қандай жойлашишигача аниқ айтиб бергач, чиппа-чин ишонди:

— Бахтим очилиши учун нима қилишим керак, айтинг, рози қиламан, — деди Манзура худди бошига бахт қуши қўнаётгандек. — Сизни менга худойимнинг ўзи юборди. Жон опа, ёрдам беринг!

— Бўпти, сенга ёрдам бераман. Аммо бунинг учун айтганларимнинг барчасини бекаму кўст бажаришинг керак, — деди "фолбин". — Тилла тақинчоқларингни оқ сурпга ўраб, уйингнинг кўча томонга қараган деразаси токчасидаги гултувак орқасига яшириб қўясан ва уч кунгача унга қўлингни теккизмайсан. Ёдингдан чиқмасин, унга назаринг тушса ҳам, бахтинг очилмайди.

Манзура дарҳол "фолбин"нинг айтганларини бажарди. Уч кунгача бу хонага кирмасликка аҳд қилди. Эртаси куни яна ўзини Санам деб таништирган Муниса кириб келди. Манзура хонадан чиқиши билан қўшни хонага кириб, гултувак ортидаги тугунчани олди-да, қўйнига яширди.

Фирибгарликнинг антиқа усулини "кашф этган" Муниса Манзуранинг лақмалигидан фойдаланиб, яна икки бор — жами уч марта тилла буюмларини олиб кетди. "Бахтли бўлиш" учун ҳар нарсага тайёр Манзура эса қариндош-уруғларидан, танишларидан ҳам тақинчоқларни олиб, фолбиннинг айтганини бажо келтираверди.

Фолбин ваъда қилган бахт ҳадеганда эшик қоқавермагач, Манзура хавотирга туша бошлади. Фолбин ҳам зерикдими, ҳартугул қўнғироқ қилмай қўйди. Шундагина содда қиз алданганини пайқаб, яқинларига дардини айтди ва уларнинг маслаҳати билан ҳуқуқ-тартибот идорасига ариза билан мурожаат қилди. Аризага асосан жиноят иши қўзғатилиб, суриштирув ишлари олиб борилди. Муниса фирибгарлик йўли билан қўлга киритган 2 млн. 350 минг сўмлик тилла буюмларни сотиб беришга рози бўлган тиллафурушларнинг шахси аниқланди. Улар сотишга улгурмаган 960 минг сўмлик тақинчоқлар далилий ашё сифатида олинди.

Энг қизиғи, ушбу жиноятга алоқадор бўлган шахсларни юзлаштириш жараёнида содир бўлди. Манзура Мунисани Санамхон деб, тиллафурушлар уни бутунлай бошқа исм билан танишар экан. Ҳақиқатни билишгач, бу қизнинг найрангидан лол қолишди.

М.Нодиржонова барча қилмишларига иқрор бўлиб, жабрланувчилардан узр сўради. Жиноят ишлари бўйича Тошлоқ туман суди унга тегишли жазо тайинлади.

Ҳа, кейинги пайтларда юртдошларимиз орасида фирибгарликка қўл ураётган хотин-қизлар сонининг ортиб бораётгани айниқса, ачинарлидир. Жиноятни амалга оширишда улар томонидан қўлланилаётган усуллар ҳам турли-туман. Масалан, бугунги кунда кўп қўлланилаётган усуллардан бирида икки аёл дуч келган хонадон эшигини тақиллатади. Агар эшикни катта ёшли одам очса, адашганини айтиб, узр сўраганча йўлида давом этади. Мабодо уйда болалар бўлса, отаси ёки онаси билан бирга ишлашини, уларда жуда зарур гапи борлигини айтиб, телефон қилиш ёки хат қолдириш баҳонасида эшикни очтиради. Фирибгарлардан бири болани ширинлик билан алдаб, гапга солиб, чалғитиб туради, иккинчиси эса пул ва қимматбаҳо буюмлар сақланиши мумкин бўлган жойларни тинтиб чиқади.

Шу ўринда мулоҳаза туғилади. Бугунги кунда фирибгарлар кўпайиб кетаётганидан нолиймиз, уларнинг устомонликларидан ёқа ушлаймиз. Бироқ ўйлаб қаралса, аслида уларнинг тегирмонига сув қуяётган, иши бароридан келишига кўмаклашаётган юртдошларимизнинг соддаликлари, ишонувчанликлари эмасми? Нотаниш одамларнинг ширин сўзларидан, каттакатта ваъдаларидан бошимиз айланиб, уларнинг тузоғига тушиб қолишдан ўзимизни сақлашни ўрганмас эканмиз, одамларга фириб берувчи мунисалару, уларнинг найрангларидан азият чекиб қолаётган манзуралар камаймайди.

Аббосхон ТУРҒУНОВ,
Тошлоқ тумани прокурори ёрдамчиси;
Қодир ШОДМОНОВ,
"Mahalla" мухбири.

Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги олдидан

Хоразм вилояти

СУРАТЛАРДА ЗАМИН САЙҚАЛИ

Айни пайтда мамлакатимизнинг барча гўшаларида Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигини нишонлаш учун қизғин тараддуд кўрилмоқда. Шу муносабат билан Урганч шаҳридаги Суратлар галереясида «Ер юзининг сайқали» деб номланган кўчма кўргазма ташкил қилинди.

Кўргазмадан шаҳарнинг ўтмиши ва бугуни ҳақида ҳикоя қилувчи рангтасвир асарлари жой олган. Э.Калантаровнинг «Кўҳна ва янги Самарқанд», «Шоҳизиндада баҳор», Р.Бринскийнинг «Бибихоним масжиди» каби полотнолари томошабинларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Кўргазмага бундай юксак бадиийликка эга, буёқларнинг табиий жилваси жиловланган 100 дан ортиқ асарлар қўйилган.

— Ушбу кўргазмани вилоят маҳаллалари бўйлаб намойиш қилмоқчимиз, — дейди Суратлар галереяси илмий ходими З.Султонова. — Бу юртдошларимизда санъат асарлари орқали аждодлар мероси билан фахрланиш ва уларни авайлаб асраш туйғуларини шакллантиришга хизмат қилади.

Абдулла САФОЕВ

БИБИХОНИМ МАСЖИДИ — АСРЛАР ОША БАРҲАЁТ БИНО

Самарқандга келган ҳар бир киши ажойиб дурдоналар — Улуғбек, Шердор, Тиллакори, Шоҳизинда ва Гўри Амир мақбараларидан, нақшинкор ва гўзал Бибихоним масжидидан нигоҳини уза олмайди. Бибихоним Жомеъ масжиди Ўрта Осиёдаги энг улкан ва бутун мусулмон оламидаги йирик меъморий бинолардан бири ҳисобланади.

Бибихоним масжиди ўзининг улуғворлиги ва такрорланмас нақшлари билан неча асрлардан буён дунёни ҳайратга солиб келяпти. Амир Темурнинг катта хотини Бибихоним (асл исми Сароймулкхоним) номи билан боғлиқ бу тарихий обида Соҳибқироннинг фармони билан 1399-1404 йилларда қурилган. Тарихчи Ғиёсиддин Али ўзининг «Ҳиндистонга юриш кундалиги» китобида қурилиш бошланган кунларни эслаб, қуйидагиларни ёзади: «801 йил Рамазони шариф ойининг тўртинчи куни (милодий 1399 йил, 10 май) Темур масжид қуриш учун пойтахтнинг энг кўркам жойини танлади. Машҳур усталар ва бинокор меъморлар улкан иморатнинг пойдеворини тиклай бошладилар...»

Тарихчи Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома»да маълумот беришича, Жомеъ масжиди қурилишида маҳаллий усталару муҳандислардан ташқари, Озарбайжон, Форс, Ҳиндистондан келтирилган беш юз нафар сангтарош ҳам ишлаган. Улкан тошлар тоғлардан ҳўкиз қўшилган аравларда ва кўплаб одамлар ёрдамида ташиб келтирилган.

Усталар, сангтарошлар, наққошлар, ғишт терувчилар, ҳунармандлар ва бошқа турли касб эгаларининг ҳар бири зиммасига вазифа юклатилиб, ишни тез ва бенуқсон бажаришга киришилган. Қурилиш ишларини мунтазам назорат қилиб туришни Темур шаҳзодалар ва амирлар зиммасига топширган. Жомеъ масжиди қурилишида асосан пишиқ ғишт, мармартош ва ганчдан фойдаланилган. Тошлардан тўрт юз саксон устун тарошланган. Уларнинг ҳар бирининг узунлиги етти газ бўлган. Баланд шифти ва фаршининг (тўшама — ерга, полга) ҳаммаси тарошланган тош тахтачалар билан чиройли қилиб безатилган. Шу тариқа, фаршидан масжид тепасигача бўлган баландлик ўн газни ташкил этган. Масжиднинг етти маъдан қотишмасидан ишланган улкан дарвозаси бўлган.

Бибихоним Жомеъ масжиди тўрт улуғвор иморатдан — катта масжид, икки кичик масжид ва ҳайбатли пештоқдан иборат бўлиб, улар тўрт бурчакли ҳовлида жойлашган ва ҳовлининг тўрт бурчагида тўртта минора қад кўтарган. Беш минг квадрат метр саҳнли ҳовли 480 устунга ўрнатилган гумбаз билан ёпилган. Ёдгорлик жойлашган майдон анча катта бўлиб, ташқи деворлар билан ўраб олинган масжиднинг тўғри бурчакли ҳовлиси узунасига 167 метр, энига 109 метрга чўзилган.

Масжиднинг гумбази феруза кошинлар билан пардозланган, деворлари ички-ташқи тарафидан ва равоқ атрофи тошга ўйилган Қуръон битиклари билан безатилган. Минбар бағоят гўзал қилиб безатилган, меҳроб темирдан ясалган. Тарихчи Ҳофизи Абру масжидни таърифлаб: «меҳроб темирдан тайёрланиб, усти нодир шакллар, ғаройиб нақшлар, гўзал битиклар ва нафис безаклар билан қопланган. Бутун бинонинг ҳовлиси ва томи тошдан ишланган ва бу тошлар ўзаро шу қадар жипслик билан бирлаштирилганки, қанча ою йиллар ўтмасин, нақшлари учмагай ва бутун бино завол кўрмагай, дунё тургунча тургай», деб ёзади.



Масжиднинг иккинчи қисмини пардозлашда наққошлик безаклари қаторида зарҳал бўртма нақшлардан ҳам кенг фойдаланилган. Масжиддаги кўп қиррали юлдузлар уч қаватли хатлар ўйилган лавҳалар, жажжи муқарнаслар (равоқли косачалардан устма-уст жойлашиб ташкил топган мураккаб шаклдаги безак тури) билан безалган, ҳошиялар оқ тошдан йўнилган. Тарихнавис Ибн Арабшоҳнинг маълумотига кўра, Жомеъ масжиди маҳобатидан ҳайратга келган замондошлари «Обидаларимиз авлодларга бизнинг кимлигимиздан дарак беради», деб ғурур билан жар солишган экан.

Масжиднинг асосий меҳробли биноси Амир Темур замонасининг меъморий услублари ҳақида тўлиқ тасаввур беради. Шарафиддин Али Яздий «Агар осмон гумбази бўлмаганда, масжид гумбази оламда ягона бўлар эди», деб ёзган эди. Академик Василий Васильевич Радлов 1868 йили Бибихоним Жомеъ масжидини кўриб, «Бу масжид барча масжидлар ичида энг ажойиб ва улуғворидир» деб баҳо берган.

Темурнинг катта хотини Бибихоним номи билан аталиб қолган бу бино жаҳондаги нодир ёдгорликлар қаторида ЮНЕСКО ҳисобида туради. У ажойиб ложуворд безаклари, нилий бўёқлари билан олти асрдан буён санъат мухлислари эътиборини ўзига тортиб келади. Бу масжид биноси асрлар оша зилзилалар ҳамда эътиборсизликдан анча зарар кўрган. Ўзбекистон Мустақилликка эришгандан сўнг ўтмишимизнинг бошқа меъморий ёдгорликлари қатори Бибихоним Жомеъ масжидини тиклашга алоҳида эътибор қаратилди. Буюк бунёдкор бобомиз Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги олдидан масжид биноси таъмирланиб, асл ҳолига келтирилди.

Рашид БОЙТИЛЛАЕВ

МУҲАННИМЛАР ТАВСИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)
Шу кунларда юз бериши кутилаётган воқеалар яқинларингиз билан муносабатингиз кескинлашувига олиб келишидан эҳтиёт бўлинг.

СИГИР(22.04-20.05)
Айни пайтда молиявий ёки кредит билан боғлиқ муаммоларни орқароққа суриб турганингиз маъқул. Ҳафта давомида яхши ҳордиқ чиқаринг.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)
Ушбу ҳафтада соғлиғингиз билан боғлиқ муаммолар бартараф бўлади. Энди хавотирланмасдан ишлайверишингиз мумкин.

ҚИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07)
Айни пайтда яқинларингиз сизнинг кўмагингизга муҳтож эканлигини ҳис қилган ҳолда улардан эътиборингизни аямасликка ҳаракат қилинг.

АРСЛОН (23.07-22.08)
Орзу қилиш билан бирга уларни амалга оширишни ҳам ўйланг. Айниқса, шу кунларда орзуларни рўёбга чиқариш учун яхши имконият туғилиши кутилмоқда.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)
Интеллектуал салоҳиятингизга бўлган ишончингиз шу кунларда юзага келиши кутилаётган кўнгилсизликларнинг олдини олишда қўл келиши мумкин.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)
Ҳафта сиз учун бирмунча муваффақиятли кечиши кутилмоқда. Шундай экан, эзгу режаларингизни амалга оширишга шошилинг.

ЧАЁН (23.10-22.11)
Шу кунларда бажараётган юмушларингизда сизга тўсқинлик қиладиганлар бўлиши мумкин. Аввало уларга ортиқча эътибор бермаслигингиз лозим.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)
Айни кунларда қизиқарли маълумот ёки хушхабардан воқиф бўлсиз. Дам олиш кунларингиз ўта мароқли кечиши кутилмоқда.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)
Ушбу ҳафтада анчадан бери кўришмаган танишларингиз билан учрашиб, қизиқарли суҳбат қуриш имкониятига эга бўлишингиз мумкин.

КОВҒА (20.01-18.02)
Сизни ўйлантираётган муаммолар айни пайтда ўз ечимини топиши кутилмоқда. Соғлиғингизга эътиборлироқ бўлишни асло унутманг.

БАЛИҚ (19.02-20.03)
Ҳафта давомида қилинган харидларингиз самарали бўлади. Ҳафтанинг иккинчи ярмида сизни қизиқарли танишувлар кутмоқда.

Наманган вилояти

«ИРВАДОНни МУСАФФО САҚЛАЙЛИК!

Токи вақти келиб набираларимнинг набиралари ҳам унинг зилол сувидан баҳраманд бўлсинлар...»

Наманган шаҳридаги Ирвадон сой-булоғи атрофи ёзнинг жазирамасидан каттаю кичик паноҳ топадиган жойга айланган. У бундан 34 йил муқаддам пайдо бўлган. Унга бошқа ҳавзалардан сув оқиб келмагани, ер остидан чиқувчи мусаффо булоқ суви янгилаб тургани учун сой суви ниҳоятда тоза. Сойда чўмилувчиларнинг аксарияти болалар экани эътиборга олинса, бу жуда муҳим жиҳатдир. Ёзнинг иссиқ кунларида кўлда чўмилувчилар сони бир кунда саккиз мингтадан ҳам ортади. Афсуски, кейинги вақтларда сой-булоқ сувининг мусаффолигига хавф солувчи хунук ҳолатлар ҳам кузатилмоқда. Гап шундаки, Ирвадон атрофидаги, тепа қисмидаги майдонларга турли саноат корхоналари томонидан хуфёна тарзда чиқиндилар келтириб ташланмоқда. Бу ҳудудда жойлашган Олмазор, Мустақиллик маҳаллалари мутасаддилари ҳозирча бу ҳолатга чора топганларича йўқ.

— Набираларимни ҳар куни чўмилишга олиб келаман, — дейди Ботир ота Умаров (суратда). — Улар чўмилиб завқланишади, мен эса пайтини топиб сой сувини ифлос қилмаслик, уни асраш жуда зарур эканини уларнинг қулоғига қуяман. Уларга, вақти келиб сиз ҳам ўз набираларингизни чўмилгани Ирвадонга олиб келишни истасангиз, уни бугун ифлосланишдан сақланг, дейман. Айни кунда эса бу ҳақда биз катталар қайғуришимиз лозим.





Р.ГАЛИЕВ олган суратлар.

Қашқадарё вилояти

ҚАРШИДА КЎЧМА КЎРГАЗМА

унда фото ва тасвирий санъат асарлари намойиш этилди

Қарши санъат коллежида Юртимиз мустақиллигининг 16 йиллигига бағишлаб "Миллатлараро тотувлик ва халқлар дўстлиги" мавзуида Республика Байналмилал маданият маркази, Республика "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси ҳамда Республика Бадиий академияси ташаббуси билан ташкил этилган фото ва тасвирий санъат асарлари республика кўчма кўргазмаси очилди.

Унда малакатимизда истиқомат қилаётган турли миллат ва элат вакилларининг узоқ ўтмиши, урф-одатлари, миллий қадриятлари, маданияти, санъати акс эттирилган асарлар намойиш этилди.

Кўргазма ташкилотчилари "Халқлар дўстлиги — энг катта бойлигимиз", "Аҳоли онгига миллий истиқлол ғояларини сингдиришда кўргазмали тарғибот воситаларининг ўрни", "Ўзбекистон умумий уйимиз" мавзуларида чиқиш қилдилар.

Яна бир эътиборли томони шундаки, кўргазма қатнашчилари фотосуратлар орқали таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Халқаро ислом ташкилоти — АЙСЕСКО томонидан Тошкент шаҳрининг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эътироф этилиши бежиз эмаслигини яна бир бор тасдиқлашди.

Қ.ЭГАМБЕРДИЕВ, "Mahalla" мухбири.

Ҳадислардан таралган ҳидоят нури қалбингизга жо бўлсин!

Илм ўрганиш ҳар бир мўмин учун фарздир. Илм толиби учун ҳамма нарса, ҳатто денгиздаги балиқлар ҳам гуноҳини сўраб истиғфор айтади.

* * *

Бир соатгина илм ўрганиш бир кечалик ибодатдан яхши, бир кунлик дарс эса уч ой тутилган нафл рўзадан афзалдир.

* * *

Илмнинг офати — эсдан чиқармоқлик ва илмга рағбати бўлмаган кишиларга ўргатиб, уни зое кетказмоқликдир.

* * *

Илмни ўрганиб, сўнг уни бошқаларга ўргатмаслик гўёки молу дунёни йиғиб, уни сарф қилмай, кўмиб қўйиш билан баробардир.

* * *

Илмга нисбатан чўпон каби посбон бўлинглар, лекин илмни фақат ривоят қилувчи бўлманглар!

Уққанга балли!

АЙРОНИНГИЗ АЧИМАГАНМИ, ХОЛАЖОН?..

Озода ва тўғри сақланмаган егулик ёки чанқовбосди ичимликни четлаб ўтсак, ошқозон-ичак хасталиклари ҳам бизни четлаб ўтади!

Ёз фасли бошланди дегунча, ошқозон-ичак хасталиклари авж олгани ёки пайдо бўлганидан зорланиб юрган кишилар кўпаяди. Бу фаслда матбуот саҳифаларида, радио ва телевидениеда шу мавзудаги чиқишларга алоҳида ўрин берилиши ҳам бежиз эмас. Хўш, нега бу хасталиклар айнан ёзда, пишиқчилик пайтида авж олади? Балки бунга фасл ва юқори ҳарорат эмас, ўзимизнинг эҳтиётсизлигимиз, саломатлигимизга лоқайдлигимиз, баъзан эса дид-таъбимизни баланд тутолмаслигимиз сабабдир?

Ёзнинг жазирама кунларида ҳар қандай егуликни сақлаш қийин, бу ҳеч кимга сир эмас. Лекин шуни била туриб, аҳоли гавжум жойларда, катта йўл бўйларида ёки бозорларда антисанитар ҳолатда, очиқ-сочиқ сотилаётган егуликларни, чанқовбосди ичимликларни харид қилиб, ҳатто йўл-йўлакай тамадди қилиб кетаверамиз. Бу билан ўзимиз ва яқинларимизнинг саломатлигини хавф остига қўяётганимиз эса, афсуски, ўша тобда хаёлимизга келмайди.

Тўғри-да, ёз чилласининг жазирама кунида муздеккина айрон ёки шифобахш ўрик шарбати кимга роҳат бағишламайди дейсиз? Бу ичимликларнинг қандай шароитда тайёрлангани, бу жараёнда маҳсулот сифати қай даражада бўлганини-ку, қўя турайлик. Соғлигимизга шу даражада бефарқмизки, ичимликнинг унчалик тоза бўлмаган идишга қуйиб узатилаётгани ҳам бизни хушёр торттирмайди. Ахир шу жойда идишларни ювишга шароит йўқлигини кўзимиз билан кўриб турамиз-ку! Энг ажабланарлиси, юқумли касалликлар айнан шу тарзда тарқалиши мумкинлигини ҳаммамиз яхши биламиз.

Ҳар куни ишдан қайтаётганимда бекатда турли ширинликлар, бутерброд, чой, кофе сотиб ўтирган аёлга кўзим тушади. Унинг хатти-ҳаракатларига разм соламан. Стол устига уйиб ташланган қуймоғу бутербродларнинг барчаси очиқ ҳолда, эрталабдан кечгача офтоб нурида туради. «Келиб қолингу олиб қолинг»-лаб турган сотувчи аёл гап орасида яғиргина пешбандининг чўнтакларидан ғижимланган пулларни олиб, ҳафсала билан тахлайди. Баъзи инжиқ харидор унибуни ушлаб ҳам кўради, ёқмаса, бошқасини олиб кетаверади. Сотувчи аёл кофе ёки чой қуйилган идишни кейинги харидор учун номигагина чайган бўлади...

Энг ачинарлиси, бу аёлдан ул-бул харид қилаётганларнинг аксарияти болалар.

Кимдир егуликдан ачимсиқ ҳид анқимаса бўлди, у яроқли, деб ўйлайди. Аммо мутахассисларнинг таъкидлашича, ҳар қандай егулик таъми ўзгармай ва нохуш ис таратмаёқ истеъмолга яроқсиз, инсон организми учун зарарли ҳолга келиши мумкин экан.

Сут ва сут маҳсулотлари савдоси эса ундан-да аянчли. Сут сотувчилар салқин ичимликлардан бўшаган елим идишлардан жуда «унумли» фойдаланишмоқда. Ахлатхоналар ёнида қуймаланиб, елим идишларни йиғиб юрган кириркит кимсаларга ҳаммамиз дуч келганмиз. Хўш, улар бу идишларни йиғиб нима қилади? Албатта, сут ёки суюқ маҳсулот сотувчиларга пуллайди. Бу идишлар қаердан тўпланган, уларнинг қай даражада тозалиги сотувчини балки қизиқтирмас, лекин бу ҳолатга саломатлигини хавфга қўяётган харидор наҳотки бефарқ бўлса?!

Яқинда қўшни аёллардан бири ёзғириб қолди. Меҳмонга келган дугоналарини бозордан сотиб олинган корейсча бақлажонли салат билан сийлаган экан, меҳмонларнинг шу ердаёқ тоби қочиб, тўғри касалхонага равона бўлишибди. Дугоналари олдида хижолат тортган қўшним зинҳор бозордан салат сотиб олмасликни ҳаммага уқтириб юрибди...

Юқоридаги каби нохуш ҳолатлар учун айбни сотувчиларга ағдариб қўя қолиш жуда осон. Бироқ бозорнинг талаб бўлмаса, таклиф бўлмайди, деган азалий қонуниятига асосланиб фикр юритадиган бўлсак, бунда ўзимизнинг ҳам айбимиз борлиги кундай равшан бўлади.

Шаҳноза ЭРГАШЕВА

Бир пиёнистанинг икки қиёфаси

А.ҲАКИМОВ чизган расм.

Mahalla

Таҳрир ҳайъати:
Анвар АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Таъна берди ҚУРБОНОВ, Чори ЛАТИПОВ, Фаррух БЎТАЕВ, (бош муҳаррир ўринбосари) Мавлуда ҚОСИМОВА, (масъул котиб) Бахтиёр РИЗАЕВ, Шухрат РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ.

Таҳририят ўзи буюртма бермаган мақолалардан, хат, хабарлардан газета йўналишини ва уларнинг газета талабига жавоб беришини инобатга олган ҳолда имкон доирасида фойдаланади. Таҳририят унга ечим ясаш масъулиятига эга эмас.
Таҳририятга келган шикоят мактубларидан фақат таҳририят нуқтаи назари бўйича фойдаланилади. Таҳририят шикоятларга ечим излаш, хулоса ясаш ваколатига эга эмас.

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Котибият — 136-55-69
Хатлар бўлими: 136-57-62

2007 йил 18 июль 29 (579)
10132 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-620 2 3 4 5 6 Топширилди — 22.50